

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ
КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

МАМАТАЛИЕВ АБДУРАСУЛ АБДУМАЛИКОВИЧ

**АММИАКЛИ СЕЛИТРА СУЮҚЛАНМАСИ, АММОНИЙ СУЛЬФАТИ
ВА ФОСФОГИПС АСОСИДА АЗОТ-ОЛТИНГУГУРТЛИ ЎҒИТЛАР
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)

Маматалиев Абдурасул Абдумаликович

Аммиакли селитра суюқланмаси, аммоний сульфати
ва фосфогипс асосида азот-олтингугуртли ўғитлар
олиш технологияси..... 3

Маматалиев Абдурасул Абдумаликович

Технология получения азотносерных удобрений
на основе плава аммиачной селитры, сульфата аммония
и фосфогипса..... 23

Mamataliev Abdurasul

Nitrogen-sulphur containing fertilizers technology based on ammonium nitrate
melt, ammonium sulphate and phosphogypsum 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 46

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ
КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

МАМАТАЛИЕВ АБДУРАСУЛ АБДУМАЛИКОВИЧ

**АММИАКЛИ СЕЛИТРА СУЮҚЛАНМАСИ, АММОНИЙ СУЛЬФАТИ
ВА ФОСФОГИПС АСОСИДА АЗОТ-ОЛТИНГУГУРТЛИ ЎҒИТЛАР
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/T170 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.ionx.uz ва «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Намазов Шафоат Саттарович
техника фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар:

Мирзакулов Холтура Чориевич
техника фанлари доктори, профессор

Таджиев Сайфитдин Мухитдинович
кимё фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Наманган Давлат университети

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ва Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «З» апрель 2018 йил соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: ionxanruiz@mail.ru).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (8 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90.

Диссертация автореферати 2018 йил «17» март куни тарқатилди.
(2018 йил «17» мартдаги № 8 рақамли реестр баённомаси).

Б.С.Закиров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.ф.д.

Д.С.Салиханова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, т.ф.д.

С.Тухтаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
к.ф.д., проф., академик

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI асрда дунё аҳолисининг ўсиши, ичимлик суви захиралари ва экинга яроқли ерлар каби ресурсларнинг қисқариши жаҳон миқёсида озиқ-овқат муаммосини янада кучайтирмоқда. Шу жиҳатдан қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатининг асосий вазифаларидан бири аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондиришдан иборат. Бу ўринда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳон миқёсида олиб борилаётган илмий изланишларда қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ўғит – аммиакли селитранинг (АС) истеъмолга доир хоссаларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилган. Бу йўналишда АСнинг ёпишқоқлигини ва термик бекарорлигини бартараф қилувчи маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиб модификацияланган АС технологияларини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ қўшимчали яхши товар ва агрокимёвий хоссали модификацияланган АС олиш технологиясини ишлаб чиқишда қатор, жумладан қуйидаги йўналишларда тегишли илмий ечимларни асослаш зарур: $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ нинг АС доналари мустаҳкамлигини ошириш билан бир вақтда ёпишқоқлигини камайтиришга таъсирини аниқлаш; $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ёрдамида АС доналари ғовакчалари ва микроёриқларини тўлдириш, натижада селитра доналарининг анча такомиллашган ички юзаси ва тузилишини ҳосил қилишга асосланган кўпгина кристалланиш марказини яратиш, $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ қўшимчали АС технологиясини ишлаб чиқиш.

Бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини сифатли ўғитлар билан таъминлаш ва уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида самарали азот, фосфор ва калийли ўғитлар технологияларини ишлаб чиқиш йўналишида илмий изланишлар олиб бориш орқали муайян натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш»га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада товар хоссалари яхшиланган термик барқарор АС ишлаб чиқаришида маҳаллий хом ашё – аммоний сульфатини жалб этиш орқали республикани янги турдаги азот-олтингугуртли ўғитлар билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чоратадбирлари дастури тўғрисида»ги ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармонлари ва 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури» тўғрисидаги Қарори ҳамда мазкур

фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантириши устувор йўналишларга боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий-техник адабиётларда ноорганик материаллар қўшиш орқали ҳам ёпишқоқлиги бўлмаган, ҳам термик барқарорлашган АС олиш бўйича ишлар кенг ёритилган. Жаҳонда АСнинг ёпишқоқлигини бартараф этиш муаммоси ҳар хил қўшимчалар – доломит, оҳак, бентонит, каустик магнезит, ортобор кислотаси, диаммонийфосфат ва аммоний сульфати аралашмасидан иборат фосфат-сульфат-боратларни фойдаланиш орқали ечилган (Vincent J.Russo, Фридман С.Д., Гельперин Н.И., Абросимова А.М., Скум А.С., Кириндасова Р.Я., Клевке В.А., Миниович М.А., Олевский В.М., Стрижевский И.И., Brown Marion L). Магнезит энг яхши қўшимча ҳисобланади. Кўп тоннажли АС таннархини камайтиришда магнезитни маҳаллий хом ашё – аммоний сульфатига алмаштириш лозим.

АС асосида портловчилик хавфи бўлмаган ўғитлар яратиш муаммоси бир нечта йўллар билан ечилади. Европа ва Россияда АС суюқланмасига доломит ёки оҳакни киритиш йўли билан оҳакли-аммиакли селитрасини ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган (Kołaczowski A., Biskupski A., Kaljuvee T., Edro E., Цеханская Ю.В., Долгов В.В., Таран А.Л., Жмай Л.А.). Аммо у нордон тупроқларда самаралидир. АС асосида хавфсиз ўғит сифатида «Череповецкий азот» ОАЖда (Россия) селитра суюқланмасига суперфосфор кислотасидан олинган 11% N ва 37% P_2O_5 тутган суюқ комплекс ўғитни қўшиб 32% N ва 5% P_2O_5 таркибга эга барқарор АС ишлаб чиқариши мисол бўлади (Чернышев А.К., Левин Б.В., Туголуков А.В., Глаголев О.Л., Ильин В.А.). Аммо, суперфосфор кислотаси Ўзбекистонда йўқ. «Навоиазот» АЖда АС суюқланмасига Марказий Қизилқум фосфорит унини киритиш йўли билан портловчилик хавфи бўлмаган АС усули жорий этилган (Намазов Ш.С., Беглов Б.М., Реймов А.М., Курбаниязов Р.К.). Маҳсулотда азот миқдори 25-28%. Аммо унда ёпишқоқликга олиб келувчи кальций нитрати мавжуддир.

$(NH_4)_2SO_4$ қўшилган модификацияланган АС олиш кенг кўламда ўрганилмаган. Ундан ташқари, адабиётларда селитра суюқланмасига $(NH_4)_2SO_4$ ни тўғридан-тўғри киритиш бўйича маълумотлар мавжуд эмас.

Диссертация тадқиқотининг бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг И12-ФА-Т020 рақамли «Аммиакли селитра суюқланмаси, Марказий Қизилқум фосфоритлари, аммоний сульфати ва калий хлориди асосида янги турдаги мураккаб ўғитлар олишнинг

мосланувчан технологиясини ишлаб чиқиш ва тажриба-саноат синовидан ўтказиш» (2016-2017 йй.) мавзусидаги инновацион лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аммоний нитрати суюқланмасига $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ва фосфогипсни қўшиш асосида физик-кимёвий ва истеъмолчилик хусусиятлари яхшилаш азот-олтингугуртли ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

NH_4NO_3 суюқланмасига $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ва фосфогипсни қўшиш йўли билан ёпишқоқлиги бўлмаган ва термик барқарор азот-олтингугуртли ўғитлар олиш жараёнини тадқиқ этиш;

$(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ қўшимчали ёпишқоқлиги бўлмаган АС ва аммоний сульфат-нитратининг кимёвий таркиби ва физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш;

дастлабки компонентлар оғирлик нисбати ва ҳароратга боғлиқ равишда сульфат-нитратли, гипс-нитратли ва сульфат-гипс-нитратли суюқланмаларнинг реологик хоссаларини тадқиқ этиш;

лаборатория модел курилмасида $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ қўшилган АС ва аммоний сульфат-нитратини олишнинг режимларини синовдан ўтказиб маҳсулотларнинг тажриба наъмуналарини олиш;

Ёпишқоқлиги бўлмаган АС ва аммоний сульфат-нитратининг ишлаб чиқилган технологияларини «Навоiazот» АЖда тажриба-саноат синовларидан ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти аммоний нитрати (NH_4NO_3) суюқланмаси, $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$, фосфогипс, магнезит қўшимчали АС, сульфат-нитратли, гипс-нитратли ва сульфат-гипс-нитратли суюқланмалар, $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ қўшилган АС ва аммоний сульфат-нитрати ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети NH_4NO_3 суюқланмасига $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ва фосфогипсни киритиш, сульфат-нитратли суюқланмаларни сепиш ёки жадал аралаштириш усулида донадорлаш йўли билан ёпишқоқлиги бўлмаган АС ва аммоний сульфат-нитратини олиш, шунингдек тайёр ўғитларнинг физик-кимёвий ва товар хоссаларини ўрганиш жараёнлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Кимёвий, физик-механик, рентгенографик, электрон-микроскопик ва термогравиметрик таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

NH_4NO_3 суюқланмасига $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ва фосфогипс қўшимчаларини 100 : 0,5 дан 100 : 15 гача оғирлик нисбатда қўллаш импорт магнезит қўшимчаси асосида олинган селитрага нисбатан АС доналар мустаҳкамлигини 2,5-4 баробар ошириши ва ёпишқоқлигини 2-3 баробар камайтириши аниқланган;

сульфат-гипс-нитратли суюқланма таркибида NH_4NO_3 нинг конверсияланиши исботланган;

сульфат-нитратли суюқланмада $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ миқдори 40 %-гача бўлганда сепиш усули, $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ миқдори 40 %-дан кўп бўлганда эса жадал аралаштириш усулида донадорлаш жараёни амалга оширилиши асосланган;

$(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ёки фосфогипс қўшилган NH_4NO_3 суюқланмасини совитиш натижасида III фазанинг йўқлиги ва тўғридан-тўғри $\text{II} \rightarrow \text{IV}$ га полиморф ўтиши орқали ҳарорат $25-45^\circ\text{C}$ ўзгаришида доналар бузилмасдан маҳсулотнинг барқарор қолиши аниқланган;

NH_4NO_3 суюқланмаси ва $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ асосида азот-олтингугуртли ўғитлар олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қўйидагилардан иборат:

ёпишқоқлиги бўлмаган АС ишлаб чиқариш учун магнетит ва брусит каби импорт хом ашё қўшимчаларни маҳаллий хом ашё – $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ га тўлиқ алмаштириш имкони исботланган;

$(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ қўшимчали ёпишқоқлиги бўлмаган АС яхши физик-кимёвий ва истеъмолчилик хоссаларга эга бўлади. Унда азот миқдори 34% дан кам эмас, яъни Б маркадаги АСга қуйилган ГОСТ 2-85 талабларига жавоб беради;

«Навоиазот» АЖда $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ қўшилган ёпишқоқлиги бўлмаган АС ва аммоний сульфат-нитратнинг тажриба-саноат синовлари ўтказилиб, жараённинг асосий технологик параметрлари ўрнатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Фойдаланилган кимёвий (аналитик кимё) ва физик-кимёвий (рентгенфазали, электрон-микроскопик ва термогравиметрик) таҳлил натижалари лаборатория тажрибалари ва тажриба-саноат синовлари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти янги турдаги модификацияланган ўғитлар – $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ қўшилган ёпишқоқлиги бўлмаган АС ва аммоний сульфат-нитратини яратишга асос солди. NH_4NO_3 суюқланмасининг $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ билан ўзаро таъсирлашув механизми очиб берилиши ҳам катта илмий аҳамиятга эгадир, натижада АС доналарининг ёпишқоқлиги камаяди, уларнинг доналар мустаҳкамлиги ошади, $20 \rightarrow 60^\circ\text{C}$ да қиздириш-совитиш кўп қайтарилувчи циклларга термик бардошлиги ортади ва $\text{II} \rightarrow \text{IV}$ полиморф ўтиши барқарорлашади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти NH_4NO_3 суюқланмасига $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ни тўғридан-тўғри қўшиш, сўнгра сульфат-нитратли суюқланмани сепиш ёки жадал аралаштириш усуллари билан донаторланган ёпишқоқлиги бўлмаган АС ва аммоний сульфат-нитратини олиш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат. Ёпишқоқлиги бўлмаган АС ишлаб чиқаришида $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ни қўллаш магнетит ва брусит каби импорт модификаторларни тўлиқ алмаштириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аммоний нитрати суюқланмасига $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ни қўшиш, кейинчалик сульфат-нитратли суюқланмани сепиш ёки жадал аралаштириш йўли билан донаторлаш орқали ёпишқоқлиги бўлмаган АС ва аммоний сульфат-нитратини олиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

импорт магнетит қўшимчасини маҳаллий хом ашё – $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ га алмаштириш йўли билан сепиш усулида ёпишқоқлиги бўлмаган АС олиш технологияси “Навоиазот” АЖда амалиётга тадбиқ этилган (“Ўзкимёсаноат”

АЖнинг 2018 йил 11 январдаги 01/3-159/П-сон маълумотномаси). Натижада четдан келтириладиган магнезит қўшимчасини маҳаллий аммоний сульфатига алмаштириш орқали қўшимча хом ашёсининг таннархини 11,3 баробарга камайтириш имконини берган;

донадор аммоний сульфат-нитрати олиш технологияси барабан-донадорлаштиргични қўллаш орқали “Навоиазот” АЖда амалиётга тадбиқ этилган (“Ўзкимёсаноат” АЖнинг 2018 йил 11 январдаги 01/3-159/П-сон маълумотномаси). Натижада яхшиланган хоссаларга эга модификацияланган АС ва аммоний сульфат-нитратини олиш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 2 та Халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган. Шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асослаб берилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек, тадқиқотнинг объект ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиш рўйхати келтирилган, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.





Диссертациянинг «**Аммиакли селитра ва унинг сифатини яхшилаш учун қўлланадиган ҳар хил қўшимчалар**» деб номланган биринчи бобида донадорланган АСнинг ёпишиш жараёни назарияси батафсил кўрилган ва уни кристалланиш марказларини ҳосил қилувчи моддалар, унинг доналарини пуркаш ва сирт-фаол моддалар билан ишлов бериш йўли орқали бартараф қилиш мумкин бўлган йўллари кўрсатилган. ГОСТ 2-85 га мувофиқ АСга қўшимча сифатида аммоний сульфати, унинг аммоний ортофосфати билан бирикмаси ва каустик магнезит ишлатилади. Магнезит энг яхши қўшимча ҳисобланади. Адабиётлар таҳлили импорт магнезит қўшимчаси ўрнига маҳаллий материал – $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ни фойдаланиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

АС термик парчаланишининг механизми ва унинг термик барқарорлигига ҳар хил қўшимчаларнинг таъсири таҳлил қилинган. АСнинг

портловчанлик ҳавфини пасайтиришда тавсия этилган қўшимчалардан карбонатли бирикмалар (оҳак, доломит, бўр), калийли моддалар (калий хлорид ва сульфатлари), битта катион – аммоний тутган: аммоний сульфати, орто- ва полифатлари, шунингдек бошқа балласт моддалар (фосфорит уни, бентонит, цеолит, гипс, фосфогипс ва бошқалар) энг кенг тарқалгандир. Мураккаб ўғитлар таркибида $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ишлатишнинг афзаллиги ундаги олтингугуртнинг борлигидир. Олтингугуртни ўсимликлар озикланишида физиологик роли бўйича азот ва фосфордан кейинги учинчи ўринга қўйиш лозимдир. Агарда АС базасида аммоний сульфат-нитрати ишлаб чиқариши ташкил этилса, унинг ёпишқоқлиги ва ювилиб кетилишини бартараф этиш мумкин, энг асосийси у юқори зичликга эга ва намликга нисбатан бардошликга, детонацияга қарши жуда яхши бардошликга эга бўлади. Ёпишқоқлиги бўлмаган ва термик барқарор АС олиш учун фосфогипсни (ФГ) ишлатиш эса чиқиндини фойдаланиш нуқтаи назаридан долзарб ҳисобланади. Адабиётлар таҳлили мазкур ишнинг мақсад ва вазифаларини шакллантиришга имкон берди.

Диссертациянинг «Аммиакли селитра суюқланмаси, аммоний сульфати ва фосфогипс қўшимчалари асосида азот-олтингугуртли ўғитлар» иккинчи бобида аммоний нитрати суюқланмасига NH_4NO_3 : $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ёки NH_4NO_3 : ФГ = 100 : 0,5 дан 100 : 15 гача оғирлик нисбатларда $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ёки ФГ қўшиб олинган ёпишқоқлиги бўлмаган АСнинг таркиб ва хоссалари ўрганилган. Уларни NH_4NO_3 суюқланмасига қўшишдан олдин 0,25 мм ўлчамгача майдаланди. Экспериментал намуналарни тайёрлаш учун белгиланган миқдордаги тоза NH_4NO_3 175°Сда суюқлантирилди, ундан кейин суюқланмага ўлчанган $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ёки ФГ кукуни қўшилди. Ҳосил бўлган сульфат-нитратли ёки гипс-нитратли суюқланма 3-5 дақиқа давомида ушлаб турилди, кейин донаторлаш минораси жараёнига ўхшаш ҳолатда сепиш йўли билан донаторланди. Аниқландики, $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ миқдори ортиши билан сульфат-нитратли суюқланманинг кристалланиш ҳарорати ошади, ФГ ортиши билан эса пасаяди. Масалан, NH_4NO_3 : $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ = 100 : 0,5 дан 100 : 15 гача нисбатларда (34,9 дан 33,14% гача N, 0,11 дан 3,12% гача S) NH_4NO_3 нинг кристалланиш ҳарорати ($t_{\text{кристалл.}}$) 165°С дан маҳсулотда 174,1°С гача ортади (1-расм, а). NH_4NO_3 : ФГнинг ушбу нисбатларида (34,81 дан 30,35% гача N, 0,1 дан 2,8% гача S) NH_4NO_3 нинг $t_{\text{кристалл.}}$ аксинча 165 дан 153,6°С гача пасаяди (1-расм, б).

Аммоний сульфати ва ФГ қўшиб модификацияланган АСнинг асосий хоссалари (доналар ёпишқоқлиги, мустаҳкамлиги, 20↔60°С қиздириш-совитишда кўп қайтарилувчи циклларга термик бардошлилиги, ғоваклиги ва суюқ ёқилғини адсорбцион шимиши) ўрганилди. Аниқландики, $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ёки ФГ ҳар қандай миқдори селитра доналари ёпишқоқлиги, мустаҳкамлиги ва термик бардошлилигини кескин оширади. Доналар мустаҳкамлиги етарлича юқори мустаҳкамликга эга бўлган (4-6 МПа) ва қиздириш-совитишда 50 ва ундан кўп циклларга бардош берадиган ёпишқоқлиги бўлмаган АС (34% дан кам бўлмаган N тутган) олиш учун 100г NH_4NO_3 га



1-расм. $\text{NH}_4\text{NO}_3 : (\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ва $\text{NH}_4\text{NO}_3 : \text{ФГ}$ оғирлик нисбатларига боғлиқ равишда суюқланманинг кристалланиш ҳарорати (а, б) ва АС доналарнинг ёпишқоқлиги (в, з).

нисбатан қўшимчалар миқдори: $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ учун 7г гача, ФГ учун эса 3г гача бўлиши лозим. Солиштириш учун – ҳеч қандай қўшимчасиз тоза NH_4NO_3 доналари мустаҳкамлиги 1,32 МПа, магнезит қўшимчали селитранинг мустаҳкамлиги эса 1,58 МПа ни ташкил этади. Анча кўп миқдорда $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ишлатишнинг сабаби, ушбу маҳсулотда 21,2% N борлиги билан изоҳланади. $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ қўшимчали АСнинг ёпишқоқлиги 1,61 кг/см² ва ФГ қўшимчали АСнинг ёпишқоқлиги 2,37 кг/см² ташкил этади (1-расм, в, з), бу қўшимчасиз селитрага қараганда (5,62 кг/см²) мос равишда 3,5 ва 2,4 баробар камдир. АСнинг портловчилик хоссасини тавсифловчи кўрсаткичлардан бири доналарнинг ғоваклиги ва суюқ ёқилғини адсорбция қилиш қобилияти

ҳисобланади. Тоза NH_4NO_3 ва магнезит қўшилган АС доналарининг ғоваклиги мос равишда 22,0 ва 9,10 %-ни ташкил этади. NH_4NO_3 суюқланмасига 100г NH_4NO_3 га нисбатан 0,5 дан 15г гача $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ва ФГ қўшиш доналар ғоваклигини мос равишда 8,89 дан 7,50 %-гача ва 9,04 дан 7,73 %-гача камайтиришга ёрдам беради. Дастлабки компонентлар нисбатига боғлиқ равишда АС доналарининг соляр мойини шимиш даражаси 100г маҳсулотга нисбатан $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ учун 4,03-4,24г, ФГ учун 4,10-4,28г ёқилғи оралиғида бўлади. У тоза NH_4NO_3 4,82г, 0,28% MgO ли АСда 4,33г тенгдир (1-жадвал).

Шундай қилиб, доналар мустаҳкамлиги канча юқори бўлса, уларнинг ғоваклиги ва ички солиштира юзаси шунча кам, доналар ичига дизель ёқилғиси шунча кам тушади, ва бунинг натижасида селитранинг детонацияланиш қобиляти шунчалик даражада кам бўлади. Бу нуқтаи назардан, $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ўзини самарали намоён қилди.

Яна аниқландики, ўрганилаётган сульфатли қўшимчаларда АС доналари магнезит қўшимчали АСга қараганда сувда анча секин эрийди (1,5 баробар кам). Демак, селитрада $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ва ФГ иштироклари доналардан азотнинг аста-секин ажралиб чиқишини таъминлайди.

Тоза NH_4NO_3 доналари 10 термоциклдан кейин 5 %-га бузилади, 80% термоциклдан кейин эса тўлиқ бузилади. Таркибида 0,5% $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ва ФГ

1-жадвал

Аммоний нитрати суюқланмаси, аммоний сульфати ва фосфогипс асосида олинган намуналар доналарининг таркиб ва хоссалари

Дастлабки компонентлар оғирлик нисбати	N _{умум.} , %	S, %	Доналар мустаҳкамлиги, МПа	Доналар ғоваклиги, %	Доналар шимиши, гр.
NH_4NO_3 «тоза»	34,96	—	1,32	22,0	4,82
0,28% MgO қўшилган АС	34,5	—	1,58	9,10	4,33
$\text{NH}_4\text{NO}_3 : (\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ оғирлик нисбати					
100 : 0,5	34,90	0,11	4,01	8,89	4,24
100 : 1,0	34,84	0,23	4,11	8,81	4,22
100 : 3,0	34,57	0,70	4,49	8,60	4,20
100 : 5,0	34,32	1,14	5,24	8,45	4,17
100 : 7,0	34,07	1,56	5,40	8,23	4,15
100 : 10	33,70	2,18	5,63	7,82	4,12
100 : 15	33,14	3,12	5,83	7,50	4,03
$\text{NH}_4\text{NO}_3 : \text{ФГ}$ оғирлик нисбати					
100 : 0,5	34,81	0,10	4,09	9,04	4,28
100 : 1,0	34,56	0,22	4,17	8,90	4,25
100 : 3,0	33,94	0,62	4,70	8,75	4,23
100 : 5,0	33,26	1,02	5,95	8,61	4,21
100 : 7,0	32,68	1,41	6,21	8,42	4,18
100 : 10	31,79	1,96	6,46	8,16	4,14
100 : 15	30,35	2,80	7,02	7,73	4,10

тутган АС доналари эса 30 термоциклдан кейин мос равишда 9 ва 12 %-га бузилади. Масалан, $\text{NH}_4\text{NO}_3 : (\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 = 100 : 7$ мақбул нисбатдаги селитра доналар бутунлигини 60 термоциклгача тўлиқ, 100 термоциклдан сўнг эса бузилган 16 %-га нисбатан 84 %-гача сақлаб қолади. Ушбу нисбатда ФГ қўшимчали селитра доналари 100 термоциклдан сўнг бутун 87 %-га нисбатан 13 %-га бузилади. NH_4NO_3 суюқланмасида $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ёки ФГ қанча кўп бўлса, доналар термик бардошлиги шунча юқори бўлади.

Термик усулда АСнинг полиморф ўзгаришларига сульфатли қўшимчаларнинг таъсири ўрганилди. NETSCH STA 409 PC/PG (Германияда ишлаб чиқарилган) ускунасида 25 дан 175°C гача – 175 дан 25°C гача ҳарорат оралиғида қиздириш-совитишда намуналарнинг термик таҳлили ўтказилди. Кўрсатдики, тоза NH_4NO_3 суюқланиши одатда IV→III; III→II; II→I ва I→суюқланма ўзгаришлари орқали кетади. Бунда IV→III полиморф ўтишлар 46°C, III→II – 85°C, II→I – 126°C, I→суюқланма 169°C ни ташкил этади. Сульфат қўшимчаларидаги АС намуналари учун ҳам NH_4NO_3 га хос бўлган, аммо ўтиш ҳароратлари буйича фарқ қилувчи кетма-кетликдаги 4 модификацион ўзгаришлар кузатилади (2-жадвал).

2-жадвал

Азот-олтигугуртли ўғитларнинг модификацион ўтиш ҳароратлари

Дастлабки компонент- лар оғирлик нисбати	Эгри чизикдаги чўққининг қиймати								
	IV→III	III→II	II→I	I→суюқ	суюқ→I	I→II	II→III	III→IV	II→IV
	25 дан 175°C гача қиздириш				175 дан 25°C гача совитиш				
NH_4NO_3	46	85	126	169	169	125	48	30	-
АС : АС оғирлик нисбати									
100 : 0,5	54,7	92,9	130,7	171,5	164,0	116,8	-	-	45,2
100 : 1,0	54,8	89,2	130,0	174,8	167,1	113,4	-	-	42,2
100 : 5,0	55,1	89,7	129,6	176,7	168,6	108,0	-	-	41,7
100 : 7,0	55,3	90,0	129,1	178,5	169,4	102,7	-	-	41,1
100 : 10	55,6	90,6	128,8	180,2	170,5	97,1	-	-	40,6
100 : 15	56,0	91,1	128,5	182,6	171,8	92,3	-	-	40,2
АС : ФГ оғирлик нисбати									
100 : 0,5	54,4	89,6	130,1	172,2	165,7	120,2	-	-	43,4
100 : 1,0	54,4	83,4	124,5	167,9	165,7	120,1	-	-	43,1
100 : 5,0	54,3	79,8	113,0	156,7	165,6	119,9	-	-	42,8
100 : 7,0	54,3	71,5	108,6	150,4	165,6	119,8	-	-	42,5
100 : 10	54,2	62,1	97,3	141,3	165,5	119,6	-	-	42,3
100 : 15	54,1	61,0	88,8	130,2	165,4	119,5	-	-	42,0

Масалан, $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ қўшимчали $\text{NH}_4\text{NO}_3 : (\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 = 100 : 0,5$ да IV→III, III→II, II→I ва I→суюқланма ўзгариш ҳароратлари мос равишда 54,7; 92,9; 130,7 ва 171,5°C; $\text{NH}_4\text{NO}_3 : (\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 = 100 : 7,0$ – 55,3; 90; 129,1 ва 178,5°C, $\text{NH}_4\text{NO}_3 : (\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 = 100 : 15$ эса – 56,0; 91,1; 128,5 ва 182,6°C ларда ўзгаради. Улардан кўринмоқдаки, $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ қўшимчаси NH_4NO_3 нинг суюқланиш ва кристалланиш ҳароратини сезиларли оширади. ФГ қўшимчаси

билан эса NH_4NO_3 : $\text{ФГ} = 100 : 0,5$ да $\text{IV} \rightarrow \text{III}$, $\text{III} \rightarrow \text{II}$, $\text{II} \rightarrow \text{I}$ ва $\text{I} \rightarrow$ суюқланма ўзгариш ҳароратлари мос равишда 54,4; 89,6; 130,1 ва 172,2°C; NH_4NO_3 : $\text{ФГ} = 100 : 7,0 - 54,3$; 71,5; 108,6 ва 150,4°C, $\text{АС} : \text{ФГ} = 100 : 15 - 54,1$; 61,0; 88,8 ва 130,2°C ларда ўзгаради. Яъни, ФГ қўшимчаси NH_4NO_3 нинг суюқланиш ва кристалланиш ҳароратини кескин пасайтиради, бу ҳолат $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ ҳосил қиладиган NH_4NO_3 ва CaSO_4 ўртасида реакция бориши билан изоҳланади.

Полиморф ўтишларда кузатилган кўрсаткичлар қиздиришга нисбатан совитишда пастдир. NH_4NO_3 суюқланмасини совитишда суюқланма $\rightarrow \text{I}$; $\text{I} \rightarrow \text{II}$; $\text{II} \rightarrow \text{III}$ ва $\text{III} \rightarrow \text{IV}$ ўзгаришлари мос равишда 169; 125; 48 ва 30°C орқали кетади. $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ва ФГ қўшимчали АС ни совитишда модификацион ўзгаришлар суюқланма $\rightarrow \text{I}$; $\text{I} \rightarrow \text{II}$; $\text{II} \rightarrow \text{IV}$ орқали кетади. Бунда III фаза ҳосил бўлмайди, $\text{II} \rightarrow \text{IV}$ ўтиш III фазани четлайди, бу эса намуналар кристалл панжарасининг кам деформацияси ва уларнинг доналар етарли мустаҳкамлигини таъминлайди.

Электрон-микроскопик тадқиқотлар шундан далолат берадики, $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ва ФГ қўшимчалари кристалланиш маркази бўлган ҳолда NH_4NO_3 кристаллари ўлчамини кичрайтиради. $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ва ФГ ғовакчалар ва микроёриқларни тўлдирган ҳолда, АС доналарининг анча такомиллашган ички тузилиш ва юзасини ҳосил қилади. Ушбу фактлар доналар мустаҳкамлигини ошиш ва уларнинг ғоваклигини камайиш сабабларини тушинтиради.

Сульфатли қўшимчалар тури ва миқдорига боғлиқ бўлмаган равишда ҳароратнинг кўтарилиши АС суюқланмасининг зичлик ва қовушқоқлигини бир хил меъёردа камайтиради. Ўрганилган дастлабки компонентлар нисбати (100 : 0,5-15) ва ҳароратларда (165-185°C) зичлик ва қовушқоқлик $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ қўшилган сульфат-нитратли суюқланмаси учун мос равишда 1,468-1,591 кг/см³ ва 6,62-7,76 сПз, ФГ қўшимчаси билан эса 1,464-1,689 кг/см³ ва 6,15-14,54 сПз ни ташкил этади ва сепиш усулида дондорлашга яроқлидир.

Натижалардан хулоса қилиш мумкинки, ҳам $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$, ҳам ФГ АС нинг физик-кимёвий ва истъеъмолчилик хусусиятларини яхшилаш бўйича брусит ва магнезит каби импорт қўшимчаларни тўлиқ алмаштиради. $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ва ФГ арзон ва қулай хом ашё материаллари саналади, бу эса уларни АС ишлаб чиқаришида иқтисодий жиҳатдан мувофиқлигини белгилайди.

Диссертациянинг «**Аммиакли селитра суюқланмаси ва аммоний сульфати асосида дондорланган аммоний сульфат-нитратини олиш**» деб номланган учинчи бобида $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ни NH_4NO_3 суюқланмаси билан $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 : \text{NH}_4\text{NO}_3 = 1 : 1$ дан 1 : 8 гача моль нисбатларида (ёки 17,1 : 82,9% дан 62,3 : 37,7% гача) аралаштириш асосида олинган сульфат-нитратининг таркиб ва хоссалари ўрганилган. Экспериментал намуналарни тайёрлаш учун белгиланган миқдордаги тоза NH_4NO_3 175°C да суюқлантирилди, ундан кейин суюқланмага ўлчанган $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ кукуни қўшилди. Олинган сульфат-нитратли суюқланма 15 дақиқа давомида ушлаб турилди, ундан кейин дондорланди. Таъкидлаш лозимки, агарда аралашмада $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ миқдори 40 %-гача бўлса дондорлаш жараёни сепиш усулида амалга оширилади.

Агарда сульфат 40 %-дан юқори кўп бўлса донадорлаш жадал аралаштириш усулида амалга оширилади. Сульфат-нитрат намуналарининг кимёвий таркиби 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал


Аммоний сульфат-нитратнинг кимёвий таркиби

Дастлабки компонентлар нисбати	Компонентлар миқдори, %					
	NH ₄ NO ₃	(NH ₄) ₂ SO ₄	N _{умум.}	N _{аммон.}	N _{нитр.}	S
(NH ₄) ₂ SO ₄ • 8NH ₄ NO ₃	82,9	17,1	32,10	17,67	14,43	4,09
(NH ₄) ₂ SO ₄ • 7NH ₄ NO ₃	80,9	19,1	32,03	17,86	14,17	4,54
(NH ₄) ₂ SO ₄ • 6NH ₄ NO ₃	78,4	21,6	31,58	17,92	13,66	5,15
(NH ₄) ₂ SO ₄ • 5NH ₄ NO ₃	75,2	24,8	31,16	18,05	13,11	5,93
(NH ₄) ₂ SO ₄ • 4NH ₄ NO ₃	70,8	29,2	30,59	18,21	12,38	6,89
(NH ₄) ₂ SO ₄ • 3NH ₄ NO ₃	64,5	35,5	29,71	18,46	11,25	8,54
(NH ₄) ₂ SO ₄ • 2NH ₄ NO ₃	54,8	45,2	28,35	18,79	9,56	10,91
(NH ₄) ₂ SO ₄ • NH ₄ NO ₃	37,7	62,3	26,09	19,55	6,54	14,96
(NH ₄) ₂ SO ₄	—	100	21,20	21,20	—	24,20
NH ₄ NO ₃	100	—	35	17,5	17,5	—


Ундан кўринмоқдаки, аралашмада селитра масса улуши қанча кўп бўлса, маҳсулотда азот миқдори шунча юқори, аралашмада аммоний сульфати масса улуши қанча кўп бўлса, маҳсулотда азот миқдори шунча паст, олтингугур миқдори шунча юқори бўлади. Масалан, (NH₄)₂SO₄ миқдорининг 17,1 дан 62,3 %-гача оширилиши билан маҳсулотда N_{умум.} ва N_{нитр.} миқдорлари мос равишда 32,1 дан 26,09 %-гача ва 14,43 дан 6,54 %-гача камаяди, N_{аммон.} ва S миқдорлари ортади. Бунда озика компонентлари йиғиндиси (N+S) 36,19-41,05% оралиғида бўлади. 17,1% (NH₄)₂SO₄ тутган аммоний сульфат-нитрати доналари 205 термоциклдан сўнг, 62,3 %-ли миқдорда (NH₄)₂SO₄ тутган аммоний сульфат-нитрати доналари 250 термоциклдан сўнг тўлиқ бузилади, бу эса яратилган ўғитларнинг термик барқарорлигидан далолат беради.

Бошқа вариантда аммоний сульфат-нитрати намуналари унинг суюқланмасига аралашманинг умумий массасига нисбатан 5-15% миқдорда фосфогипс қўшиш йўли билан олинди (сульфатнинг нитратга моль нисбати 1 : 1 дан 1 : 8 гача). Аммоний сульфат-нитрати таркибига ФГни жалб қилиш унинг ҳажмини камайтириш нуктаи назаридан долзарб ҳисобланади. Ундан ташқари, аммоний сульфат-нитрати суюқланмаси ФГ иштирокида сепиш усулида донадорлаш учун анча оқувчан ва ташишга қулай бўлиб қолади.

Таъкидлаш лозимки, NH₄NO₃ суюқланмасини ФГ иштирокида (NH₄)₂SO₄ билан аралаштиришда у ёки бу даражада конверсия жараёни содир бўлади:



ФГ иштирокида NH₄NO₃ конверсияси қанча даражада кетиши текширилди. Натижалар 2-расмда кўрсатилган.



2-рассм. $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 : \text{NH}_4\text{NO}_3$ моль нисбати ва фосфогипс қўшимчаси миқдорида NH_4NO_3 нинг конверсияланиш даражасини боғлиқлиги.

Эгри чизиклардан яхши кўринмоқдаки, ФГ миқдори қанча кўп киритилса, аралашмада NH_4NO_3 масса улуши қанча кам бўлса, шунча унинг конверсия даражаси юқори бўлади. Масалан, агарда 5 %-ли ФГ ва $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 : \text{NH}_4\text{NO}_3 = 1 : 8$ да NH_4NO_3 нинг конверсия даражаси 3,58 %-ни ташкил этса, ушбу кўрсаткич 15 %-ли ФГ да 6,87 %-гача ортади. $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 : \text{NH}_4\text{NO}_3 = 1 : 1$ да NH_4NO_3 нинг конверсия даражаси 25,76 дан 29,03 %-гача ортади.

4-жадвалда қўшимчасиз ва фосфогипс қўшимчали аммоний сульфат-нитрати баъзи намуналарининг таркиб ва хоссалари келтирилган.

4-жадвал

Фосфогипсли аммоний сульфат-нитратининг таркиб ва хоссалари

Дастлабки компонентлар нисбати	Аралашмада ФГ миқдори, %	$N_{\text{умум.}}$ %	S, %	Доналар мустаҳкамлиги, МПа	Доналар ғоваклиги, %	Доналар шимиши, гр.	Доналар эриш тезлиги, сония
$(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 \cdot 8\text{NH}_4\text{NO}_3$	—	32,10	4,09	6,42	6,67	3,67	74,9
$(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 \cdot 8\text{NH}_4\text{NO}_3$	5	29,86	4,89	6,46	6,25	3,41	76,4
$(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 \cdot 8\text{NH}_4\text{NO}_3$	10	29,14	5,77	6,52	5,78	3,16	77,7
$(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 \cdot 8\text{NH}_4\text{NO}_3$	15	27,58	6,63	6,60	5,32	2,92	79,2
$(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 \cdot 4\text{NH}_4\text{NO}_3$	—	30,59	6,89	7,08	6,04	3,05	99,0
$(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 \cdot 4\text{NH}_4\text{NO}_3$	5	29,29	7,69	7,13	5,60	2,89	100,2
$(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 \cdot 4\text{NH}_4\text{NO}_3$	10	27,76	8,44	7,19	5,17	2,70	102,0
$(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 \cdot 4\text{NH}_4\text{NO}_3$	15	26,18	9,17	7,21	4,76	2,54	103,8
$(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 \cdot \text{NH}_4\text{NO}_3$	—	26,09	14,96	7,65	5,43	2,41	117,6
$(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 \cdot \text{NH}_4\text{NO}_3$	5	24,89	15,27	7,69	5,0	2,30	119,4
$(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 \cdot \text{NH}_4\text{NO}_3$	10	23,56	15,59	7,77	4,61	2,16	121,1
$(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 \cdot \text{NH}_4\text{NO}_3$	15	22,25	15,96	7,86	4,19	2,03	124,3

Ундан кўринмоқдаки, $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 : \text{NH}_4\text{NO}_3$ нинг бир хил моль нисбатида ФГ қўшимчаси миқдорининг ортиши бир томондан маҳсулотларда N миқдорини камайтирса, бошқа томондан S миқдорини оширади. Масалан, $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 \cdot 8\text{NH}_4\text{NO}_3$ да ФГ улушининг 5 дан 15 %-гача ошиши билан маҳсулотда N миқдори 32,1% дастлабкidan 29,86 дан 27,58 %-гача, $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 \cdot 4\text{NH}_4\text{NO}_3$ да 30,59% идан 29,29 дан 26,18 %-гача ва $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 \cdot \text{NH}_4\text{NO}_3$ да 26,09% идан 24,89 дан 22,25 %-гача камаяди. Бунда S миқдори 4,09% дастлабкidan мос равишда 4,89 дан 6,63 %-гача, 6,89% идан 7,69 дан 9,17 %-гача ва 14,69% идан 15,27 дан 15,96 %-гача ортади.

ФГ улушини ошиши гарчанд маҳсулот доналари мустаҳкамлигига сезиларли таъсир кўрсатмасада (1,03 баробар оширади), аммо унинг доналари ғоваклиги ва шимишини камайтириш томонига ижобий таъсир кўрсатади. Агарда, $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 \cdot 8\text{NH}_4\text{NO}_3$, $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 \cdot 4\text{NH}_4\text{NO}_3$ ва $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 \cdot \text{NH}_4\text{NO}_3$ моль нисбатларида қўшимчасиз аммоний сульфат-нитрати доналари ғоваклиги 6,67%, 6,04% ва 5,43 %-ни ташкил этса, уларга 5-15% ФГ қўшилганда бу кўрсаткич мос равишда 6,25 дан 5,32 %-гача, 5,60 дан 4,76 %-гача ва 5,0 дан 4,19 %-гача, яъни 1,25, 1,27 ва 1,3 баробар камаяди.

